



The procedure and significance of implementing the "Introduction of Execution Guarantee Funds" mechanism when foreclosing on a debtor's property

Zafarbek ATADJANOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 25 May 2025
Available online
15 June 2025

Keywords:

guarantee,
guarantee amount,
limitation,
enforcement document,
deposit,
enforcement,
suspension,
liability,
advance payment,
etc.

ABSTRACT

This article describes the theoretical and practical significance and novelty of the institution of introducing guarantee funds in order to ensure the primacy of law in the execution of judicial documents and other agency documents, as well as the rights of the parties, in order not to limit the opportunities for debtors who are in dispute over an enforcement document in court and who have the ability to pay their debt obligations to continue their activities, studies international advanced foreign experiences, and makes proposals for legislation.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5/S-pp649-657>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишда “Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш” институтининг жорий этилиши тартиби ҳамда аҳамияти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

кафолат,
кафолат маблағи,
чеклаш,
ижро ҳужжати,
депозит,
ижро этиш,

Мазкур мақолада суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этишда қонун устуворлигини, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқларини етарли даражада таъминлаш мақсадида ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган, шу билан бирга қарздорлик мажбуриятини тўлаш имкониятига эга бўлган

¹ Master degree student, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

тўхтатиш,
жавобгарлик,
олдиндан тўлов ва
бошқалар.

қарздорларнинг фаолиятини давом эттириш
имкониятларини чеклаб қўймаслик мақсадида кафолат
маблағларини киритиш институтининг назарий ва амалий
аҳамияти, янгилиги баён этилиб, халқаро илғор хорижий
тажрибалар ўрганилиб, қонунчиликка таклифлар
киритилган.

Порядок и значение внедрения института "Внесения гарантийных средств по исполнению" при обращении взыскания на имущество должника

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

гарантия,
гарантийная сумма,
ограничение,
исполнительный
документ,
депозит,
исполнение,
приостановление,
ответственность,
предоплата и другие.

В данной статье изложены теоретическое и практическое значение, а также новизна института внесения гарантийных средств. Цель этого института - обеспечение верховенства закона при исполнении судебных актов и актов иных органов, а также достаточная защита прав сторон. Кроме того, он направлен на то, чтобы не ограничивать возможности продолжения деятельности должников, которые оспаривают исполнительный документ в судебном порядке и при этом имеют возможность погасить долговое обязательство. В статье изучен передовой международный опыт и внесены предложения по совершенствованию законодательства в этой области.

Ҳозирги кунда амалдаги қонунчилик ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган, шу билан бирга қарздорлик мажбуриятини тўлаш имкониятига эга бўлган қарздорларнинг фаолиятини давом эттириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Яъни, қонунда ижро ҳужжатига қарши шикоят қилинган тақдирда, қарздорга Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда – МИБ) депозитига кафолат маблағини киритиш орқали қўлланилган чекловларни вақтинчалик олиб ташлаш механизми назарда тутилмаган. Мавжуд қонунчилик фақатгина ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашганда ижро ишини тўхтатиш нормасини белгилайди, аммо бу тўхтатиш қарздорга нисбатан қўлланилган чекловларнинг автоматик равишда бекор қилинишига олиб келмайди. Бу ҳолат айниқса тадбиркорлик субъектлари учун жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, чунки қўлланилган чекловлар уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиши, молиявий зарар кўришига ва ҳатто банкротликкача олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Мазкур муаммони ўрганиш давомида аниқланган таҳлилларга кўра, Бюро органлари иш юритишда ижро ҳужжатлари бўйича 2022-2024 йиллар давомида 7,2 триллион сўмлик 99,4 мингта суд ҳужжати бекор бўлганлигини кўрсатади. Ушбу бекор қилинган суд ҳужжатларининг аксарият қисми (6,9 триллион сўмлик

60 мингта) юридик шахсларга, қолган қисми (314,2 миллиард сўмлик 39,4 мингта) жисмоний шахсларга тегишли эканлигини кўрсатади.

Қарздорликни тўлаш имконияти мавжуд бўла туриб, фаолияти чекловлар туфайли тўхтаб қолган тадбиркорлик субъектларининг вазиятни суд тартибида низолашишга уринишлари табиий ҳолдир. Аммо, амалдаги қонунчиликда суд тартибида низолашганда, МИБ органлари томонидан қўлланилган тақиқ ва чекловлар олиб ташланиши назарда тутилмаган.

Юқоридаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунига **"Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш"** институтини киритиш зарурати долзарб масала сифатида кўтарилади. Мазкур институтнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган вақтда, МИБ депозитига қарздорлик суммасига тенг миқдорда кафолат маблағини киритиш орқали ўзига нисбатан қўлланилган чекловларни вақтинчалик олиб ташлашни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Агар суд қарздорнинг фойдасига қарор чиқарса, кафолат маблағи қарздорга қайтарилади. Аксинча, агар суд қарори ўзгаришсиз қолдирилса, кафолат маблағи ундирувчининг фойдасига ўтказилади ва ижро иши юритиш давом эттирилади.

Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш институтининг назарий ва амалий янгилиги:

Кафолат маблағини киритиш институтининг Ўзбекистон ижро қонунчилигига киритилиши, ҳуқуқий тизим учун муайян янгилик ҳисобланади. Ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликда бу каби механизм мавжуд эмас. Институтнинг янгилиги, авваламбор, ижро жараёнида қарздорларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини сақлаб қолишга қаратилганлигида намоён бўлади. Бундан ташқари, кафолат маблағини киритиш механизми ижро иши юритиш жараёнига янгича ёндашувни тақдим этади ва ижро органларининг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Институтнинг амалий янгилиги қуйидаги жиҳатларда кўринади:

Кафолат маблағини киритиш институти қарздорларга ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашиш ҳуқуқини амалга оширишда реал ёрдам беради. Чекловларнинг вақтинчалик олиб ташланиши қарздорларга фаолиятини давом эттириш, молиявий барқарорликни сақлаш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Кафолат маблағини киритиш институти айниқса тадбиркорлик субъектлари учун муҳим аҳамиятга эга. Чекловларнинг вақтинчалик олиб ташланиши уларнинг бизнес фаолиятини тўхтаб қолишининг олдини олади, иқтисодий ўсишга ҳисса қўшади ва янги иш ўринларини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Кафолат маблағини киритиш механизми ижро органларининг иш юкламасини камайтиришга хизмат қилиши мумкин. Асоссиз ундирувларнинг

олдини олиш, суд ҳужжатларининг бекор қилиниш ҳолатларини камайтириш ва ижро жараёнининг такомиллаштирилишига хизмат қилади.

Қарздор томонидан киритилган кафолат маблағи ундирувчининг қарз суммасини қайтаришининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Суд қарори ундирувчининг фойдасига чиққан тақдирда, у ўз пулини тез ва осон қайтариб олиши мумкин бўлади.

Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратининг асосланиши:

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга кафолат маблағини киритиш институтини киритиш зарурати бир қатор объектив омиллар билан асосланади.

Биринчидан, ижро ҳужжатларининг бекор қилиниш ҳолатларининг юқорилиги. Юқорида қайд этилганидек, 2022-2024 йиллар давомида 99,4 мингта суд ҳужжати бекор қилинган. Кафолат маблағини киритиш институти асоссиз ундирувларнинг олдини олишга, суд ҳужжатларининг сифатини оширишга ва ижро органларининг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурати. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва инвестицияларни жалб қилишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Қонунга кафолат маблағини киритиш институтини киритиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва бизнес муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Чекловларнинг вақтинчалик олиб ташланиши тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини давом эттириш, иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш принципи. Ҳар бир шахс, шу жумладан қарздор ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатли судловга эришиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Кафолат маблағини киритиш институти қарздорларга ўз ҳуқуқларини самаралироқ ҳимоя қилиш имконини беради ва ижро жараёнининг инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ келишини таъминлайди.

Тўртинчидан, Кафолат маблағини киритиш институти хорижий давлатларнинг ижро қонунчилигида кенг қўлланиладиган амалиётдир. Кўплаб ривожланган мамлакатлар ижро жараёнида қарздорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш мақсадида шунга ўхшаш механизмларни қўллаб келадилар. Халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш ижро тизимининг самарадорлигини ошириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Кафолат маблағини киритиш тартибининг асосий элементлари:

Қонунга кафолат маблағини киритиш институтини жорий этишда қуйидаги тартиб ва қоидаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Қўлланиш шартлари: Кафолат маблағларини киритиш фақатгина мулкӣ хусусиятга эга бўлган суд ҳужжатлари бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун қўлланилиши керак. Алиментлар ундириш каби ижтимоӣ аҳамиятга эга бўлган мажбуриятлар бўйича кафолат маблағини киритиш механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Кафолат маблағининг миқдори: Кафолат маблағининг миқдори қарздорлик суммасига тенг бўлиши керак. Бу ундирувчининг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишни таъминлайди ва қарздорни енгилтаклик билан судга шикоят қилишдан тийиб туради.

Чекловларни бекор қилиш: Кафолат маблағи киритилгандан сўнг, ижро иши юритиш тўхтатилиши ва қарздор ва унинг мол-мулкига нисбатан қўлланилган барча чекловлар бекор қилиниши лозим. Чекловларни бекор қилиш тўғрисида давлат ижрочиси томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва бу ҳақда барча тегишли органлар хабардор қилинади.

Кафолат маблағини қайтариш ёки ундирувчига ўтказиш: Агар суд ижро ҳужжатини бекор қилса, кафолат маблағи қарздорга тўлиқ ҳажмда қайтарилади. Агар суд қарори ўзгаришсиз қолдирилса, кафолат маблағи ундирувчининг фойдасига ўтказилади ва ижро иши юритиш қайта тикланади.

Қўлланиш ҳолатлари: Кафолат маблағини киритиш қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкин:

Қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашганда.

Суд ҳужжати шикоят ёки протест асосида қайта кўриб чиқиладиганда.

Давлат ижрочисининг ҳаракатлари устидан шикоят берилганда.

Ижро иши юритишни тўхтатиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжатида қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатловни тўхтатиш назарда тутилган тақдирда, хатлов ушбу ҳужжатларда белгиланган муддатга олиб ташланиши мумкинлиги қонунда мустаҳкамланиши зарур.

Кафолат маблағини киритиш институтини жорий этиш бир қатор ижобий натижаларга олиб келиши кутилмоқда, хусусан мазкур институт тадбиркорлик субъектларига суд ҳужжати юқори инстанцияда кўриб чиқилгунга қадар фаолиятини тўхтаб қолмаслик имконини беради. Бу иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, иш ўринларини сақлаш ва давлат бюджетига тушумларни камайтирмасликка хизмат қилади.

Кафолат маблағи механизми асоссиз қарздорлик ва ижро харажатларини ундириб, қайтариш ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Суд ҳужжатларининг бекор қилиниш ҳолатлари камайиши, ижро тизимига бўлган ишончни оширади.

“Кафолат маблағларини киритиш институти” фойдасига суд қарори қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашга эришилади. Кафолат маблағи ундирувчи учун қарзнинг қайтарилишининг реал кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига **“Кафолат маблағини киритиш”** институтини жорий этиш масаласи бўйича халқаро амалиётни таҳлил қилинди, хусусан:

Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Франция, Америка Қўшма Штатлари ва Германия давлатларининг қонунчилигида кафолатли тўлов институтининг тартибга солиниши ҳолати ўрганилди. Ушбу таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кафолатли тўлов механизми жаҳоннинг етакчи ҳуқуқий тизимларида турли кўринишларда бўлсада, лекин кенг қўлланиладиган ва ижобий самара берувчи институт ҳисобланади.

Россия Федерацияси: Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 381.1-моддасида[1] “таъминловчи тўлов” тушунчаси белгиланган бўлиб, унга кўра пул мажбуриятини, жумладан шартнома бузилган тақдирда зарарни қоплаш мажбуриятини ҳам таъминлаш учун қўлланилади. Шартномада келишилган ҳолатлар юз берганда, таъминловчи тўлов мажбуриятнинг ижроси ҳисобига киритилади. Агар шартномада кўрсатилган ҳолатлар муддатида содир бўлмаса ёки мажбурият бекор қилинса, таъминловчи тўлов қайтарилиши лозим, агар томонлар бошқа тартибни келишиб олмаган бўлса.

Беларусь Республикаси: Беларусь Республикаси Фуқаролик кодексининг 310-моддаси[2] ҳам Россия қонунчилигига ўхшаш “таъминловчи тўлов” институтини белгилайди. Беларусь қонунчилиги таъминловчи тўлов пул мажбуриятдан ташқари, қимматли қоғозлар ва бошқа ашёлар билан ҳам таъминланиши мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, таъминловчи тўлов жарима эмаслиги, балки кредиторнинг мулкӣ зарарларини қоплаш учун хизмат қилишига урғу берилади. Шартномада белгиланган ҳолатлар рўй бермаса ёки мажбурият тугатилса, таъминловчи тўлов қайтарилиши керак.

Буюк Британия: Буюк Британия Фуқаролик процессуал қоидаларининг 24-қисми[3] суд ҳужжатларини ижро этиш бўйича таъминловчи тўловларни тартибга солади. Британия ҳуқуқий тизимида таъминловчи тўлов асосан суд жараёнида қўлланиладиган ва суд ҳужжатининг ижросини кафолатлашга йўналтирилган механизм сифатида намоён бўлади.

Франция: Франция Фуқаролик процессуал кодексининг[4] 511-531-моддалари суд қарорларини ижро этишни таъминлаш тўловларини белгилаб беради. Франция қонунчилиги ҳам кафолатли тўловни ижро жараёнида қўлланиладиган, суд қарорларининг ижросини таъминлашга хизмат қилувчи чора сифатида қарайди.

АҚШ: АҚШ Федерал фуқаролик суд ишлари қоидаларининг[5] 65(с)-қоидаси вақтинчалик ёки олдиндан таъқиқловчи қарорлар учун таъминот беришни талаб этади. Америка Қўшма Штатларида кафолатли тўлов кўпинча вақтинчалик таъқиқлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, даъвогарнинг эҳтимолий зарарларини қоплаш кафолати сифатида ишлайди.

Германия: Германия Фуқаролик процессуал кодексининг[6] §709-моддаси суд қарорларини ижро этиш жараёнида таъминот берилиши мумкинлигини кўрсатади. Германия қонунчилиги ҳам кафолатли тўловни ижро жараёнининг бир қисми сифатида, суд қарорларининг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида бевосита **“Кафолат маблағини киритиш”** институти назарда тутилмаган. Мавжуд қонунчилик қарздорларга нисбатан мулкни хатлаш, мамлакатдан чиқишни чеклаш каби ижро чораларини қўллашни кўзда тутаяди, бироқ суд ҳужжати юзасидан низолашаётган ва қарздорликни тўлашга қодир бўлган шахсларнинг фаолиятини давом эттириш учун етарли механизмларни таъминламайди.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, кафолат маблағи институти Ўзбекистон ижро қонунчилиги учун илмий янгилик ҳисобланади. Гарчи, таъминот тўловининг умумий мазмунига ўхшаш институтлар, мисол учун мажбурият ҳуқуқида мавжуд бўлсада, айнан ижро иши юритиш контекстида кафолат маблағини киритиш механизми инновацион ёндашувдир.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига **“Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш”** институтини жорий этиш мақсадида қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш илмий асосланган ва мақсадга мувофиқдир:

Қонунга “Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш” деб номланган янги 33¹-модда модда киритиш, унда **“Ижро бўйича кафолат маблағларини киритиш, ижро иши юритишни тўхтатиш ва қарздор ва унинг мол-мулкига нисбатан қўлланилган чекловларни бекор қилишга асослари кўрсатилиши”** лозим.

Қонуннинг 34-моддасининг иккинчи қисмида ижро иши юритишда “қарздор томонидан ижро иши бўйича кафолат маблағлари киритилганда” давлат ижрочиси томонидан ижро ҳужжати тўхтатиб турилиши тўғрисидаги қўшимча бешинчи қисм билан тўлдириш таклифи билдирилади.

Шунингдек, **Қонуннинг 38-моддасини** қўшимча “Қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатлов суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг тўхтатиш тўғрисидаги ҳужжатида назарда тутилган тақдирда тўхтатиш муддатига олиб ташланади” саккизинчи қисм билан тўлдириш ҳам таклиф этилади.

Кафолат маблағини киритиш шартларини аниқ белгилаш: Қонунда кафолат маблағини киритиш мумкин бўлган ҳолатлар, жумладан, қарздорнинг судга шикоят қилиши, суд ҳужжатини қайта кўриш, давлат ижрочиси ҳаракатларидан норози бўлиш каби ҳолатлар аниқ кўрсатилиши керак.

Кафолат маблағи миқдори ва киритиш тартибини тартибга солиш: Қонунда кафолат маблағи қарздорлик суммасига тенг бўлиши, уни МИБнинг махсус депозит ҳисобига ўтказиш тартиби ва кафолат маблағи киритилишини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланиши лозим.

Чекловларни бекор қилиш механизмини аниқлаш: Қонунда кафолат маблағи киритилгандан сўнг, қарздорга нисбатан қўлланилган чекловларни давлат ижрочиси томонидан вақтинчалик бекор қилиш тартиби, шунингдек, чекловларни қайта қўллаш шартлари белгиланиши зарур.

Кафолат маблағини қайтариш ёки ундирувчига ўтказиш тартибини белгилаш: Қонунда суд қарори ўзгариши ёки ижро ҳужжати бекор бўлганда кафолат маблағини қарздорга қайтариш, акс ҳолда эса ундирувчига ўтказиш тартиби аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳисобварақларга қўйилган хатловни тўхтатиш тартибини мустаҳкамлаш: Қонунда ижро ишини тўхтатиш тўғрисидаги суд ҳужжатида қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатловни тўхтатиш назарда тутилган бўлса, хатлов ушбу ҳужжатда белгиланган муддатга олиб ташланиши мумкинлиги аниқ белгиланиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, **“Ижро бўйича кафолат маблағини киритиш”** институтини Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳуқуқига жорий этиш – ижро тизимининг келгусидаги ривож учун муҳим қадамдир. Ушбу институтнинг самарали фаолияти суд ҳокимиятига бўлган ишончни мустаҳкамлашга, ижро иши жараёнида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 258-II-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 0.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.01.2024 й., 06/24/1/0001-сон;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2017 йилдаги “Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3060-сонли қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.11.2024 й., 07/24/406/0971-сон;
5. Тўхташева У.А. Ижро иши юритиш: дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -12 б.
6. Гражданский процессуальный кодекс Р.Ф. от 14.11.2002 N 138-ФЗ
https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/
7. Гражданский Процессуальный Кодекс Республики Беларусь
<https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900238> Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь
8. Гражданский процесс по эндрыусу: судебный процесс и основы.
<https://openu.kz/storage/lessons/3364/grazhdanskiy-process-po-endryusu-sudebniy>
9. Гражданский процессуальный кодекс Франции.
<https://jurkniga.ua/contents/grazhdanskiy-processualny-kodeks-francii.pdf>
10. Гражданское право США, <https://worldbiz.ru/index.php/rls-wbl/translated/USA-civil-law>
11. Гражданский процессуальный кодекс Германии,
<https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/10153>